

2015 йил - Кексаларни эъзозлаш ўили

ILM OLMOQQA INTIUSH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Jiyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 1 (230) 2015 YIL, Yanvar

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Қадрли дўстларим!

Кириб келаётган янти йилга мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш ўили» деб ном берганимиздан халқимиз, албатта, яхши хабардордир.

Бунинг замерида ҳаммамизни оқ ювоб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олийжаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, муҳтарам кексаларимиз олдидағи ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олийжаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллӣ ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган каттага

ҳурмат, кичикка иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юқсан бир босқич бўлишига ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг
Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригидан.

• ХАБАРЛАР • ХАБАРЛАР • ХАБАРЛАР • ХАБАРЛАР •

Илмий қенгашнинг навбатдаги йигилиши

Институт илмий Қенгашнинг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Қенгашни институт ректори вазифасини бажарувчи Н. Алимов бошқарib борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ҳалиқ таълимни вазирлиги ҳайъати қарорлари, институт ректори қарорлари ва буйруқларининг ижроси ҳақида институт бош илмий тад-

зорат ва мониторинг бўлими бошлиғи доцент Б. Эргашев маъруза қилди.

Институтда ёш олимлар ижодий мұхитини янада ривожлантириш мақсадида уларни марказий таянч олий ўкув юртларида фаoliyat юритаётган илмий, илмий-услубий семинарларга, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларга жаҳб этиш борасидаги чора-тадбирлар режасининг ижроси ҳақида ҳамда институт бош илмий тад-

киқот йўналиши асосида кадрларда олиб борилаётган фундаментал амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларининг 2014 календар йили якунлари бўйича илмий ишлари проректори М. Султоновнинг ахбороти эшистилди.

Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялашва таълим-тарбия самаадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида институтнинг ўкув

ишилари проректори в.б. Ф. Хайитовнинг ахбороти эшистилди.

Қенгаш ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. Э. Қурбонов бошқа ишга ўтгандиги муносабати билан У. Ҳудонов институт илмий қенгашининг котиби этиб сайланди.

Қенгашда институт ҳәти билан боғлиқ бир қатор бошқа масалалар ҳам мұхокама қилиниб, тегиши қарорлар қабул қилинди.

Орифжон ОДИЛОВ,
«Зиё чашмаси»нинг
махсус мухбири



Жizzaz Davlat педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ва хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ институтимиз профессор ўқитувчиларини, талаба-ёшларини ва барча ишчи-хизматчилаарини янги 2015 йил билан муборакбод этади!

Энг намунали бошланғич ташкилот

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Камолот» оромгоҳида «Камолот» ЁИХ Маркази Қенгаш ташаббуси билан олий таълим мұасасалари ўтасида энг намунали бошланғич ташкилот кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Республикализдаги етмишдан ортиқ олий таълим мұасасасаларида фаолият юритаётган «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этиши.

Кўрик-танловда бизнинг институтимиз вакили сифатида иштирок этган институтимиз «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси А. Ҳўжаназаров фаҳрли биринчи ўнталика кирди. Танлов якунидаги галиблар диплом ва фаҳрий ёрлиқлар, шунингдек, қымматбаҳо зедалик совғалари билан тақдирландилар.

- Ташкил этилган мазкур кўрик-танлов Республикализда биз ёшларга яратиб берилса ўтасида шарт-шаронт ва имкониятларининг бир намунаси дейши мумкин, дейди А. Ҳўжаназаров биз билан сұхбатда.

Шаҳноза МЎЙДИНОВА,
мусиқий таълим йўналиши талабаси.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

14 январ - Ватан ҳимоячилари куни ва ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 23 йиллигига бағишилаб талаба-ёшлар ўтасида жисмоний маданият ва спорт факультети ташаббуси билан спорт мусобақалари ўтказилди.

Факультетларнинг ёш спорчилари тўрт ўнаги: волейбол, арқон тортишиш, 100 метрга югуриш ва турникка тортишиш бўйича беллашдилар.

Мусобақа якунларига кўра волейбол бўйича 1-урин тарих факультети, арқон тортишиш бўйича 1-урин жисмоний маданият ва спорт факультети, 100 метрга югуриш бўйича 1-урин жисмоний маданият ва спорт факультети, тур-

никка тортишиш бўйича 1-урин педагогика-психология факультети спорчиларига насиб этди.

13 январь куни институтимиз маданият сароида мазкур мусобақа якунлари ҳамда байрам кечасига бағишиланган тантанали йигилиш бўлиб ўтди. Йигилиша институт ректорати ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти вакиллари иштирок этишиди.

Тантанали йигилиш сўнгидаги мусобақа галиблари қимматбаҳо совғалар ва фаҳрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ, Баҳром ШИРИНҚУЛОВ. ўзбек тили ва арабиёти йўналиши талабалари.

ВАТАН ПОСБОНАЛАРИГА

Ҳар куни тонгда ўйғониб кимдир ишга, ўқишига, яна кимдир бошқа юмуши билан кўчага шошилади. Ватанимизда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон ўз олий мақсадларини амалга ошириш ҳақида ўйлади. Бу мустақилликнинг шарофати, қолаверса, юртимизнинг осойишиштагигини таъминлаш ўйлида ўз хизматларини аямаётган Ватанимиз посбонлари - мард ва жасур йигитларимизнинг фидеойларига топширилмоқда.

Ватанимиз тинчлиги, миллатлараро тотувлик, мамлакатимизнинг ҳалқаро нуғузи мустаҳкамданишида йигитларимизнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам ўзбек ҳал-



рини улуг байрам билан чин қалбдан табриклиймиз!

Доимо ҳалқимиз баҳтига соғ-омон бўлинг, миллат ифтихорлари!

Нигора ХАСАНОВА,
мусиқий таълим йўналиши талабаси.

«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий гоя ва қоидаларини ўзига сингдирган»
Ислом Каримов.

Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинлиги масаласи демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг мухим белгиларидан бири бўлиб, у ҳар бир давлатнинг демократик тараққиети даражасини кўрсатувчи мухим мезонидир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари ҳалқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда мухим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатида давлат қонунчилик тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилиш ва таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий гоя ва қоидаларини ўзига сингдирган», - деган фикрлари ўринлидир. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг гоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, бир неча асрлар мобайнида илгор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан бўён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона ва шарқона давлатни адолатли идора этиш ҳамда ҳалқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориши анъаналарини ўзида мужассамлаштириди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъбири билан айтганда «Қонунлар ҳаётий амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак».

Фикримизнинг исботи: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккичи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»да ўз олдига кўйган инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадининг амалий ифодасидир. Хусусан, Конституциямизнинг VII бобида республика фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари қўйидагича таърифлаб берилган: яшаш ҳуқуқ-

ки; эркинлик ва шахсий дахлизлилик ҳуқуқи; айбизлик презумсиаси; шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва уйжой дахлизлиги ҳуқуқи; бир жойдан иккичи жойга кўчиш ҳуқуқи; фикрлаш, сўз ва эъти-

фаолликларини митинглар, нафоянишлар ва ўйнишлар шаклида амалга ошириш; касаба үюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига ва үюшмаларига уюшиш; оммавий ҳаракатларда иштирок этиш; ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш. Бунинг исботи сифатида, Конституциямизнинг 32-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролар жамият

матив ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Конституциямиз ва қонунларимизда республика фуқароларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланниб кўйилган бўлиб, у қомусимизнинг IX бобида кўйидагича берилган: уй-жойга эга бўлиш; мулкдор бўлиш ва ундан эркин фойдаланиш; меҳнат қилиш,

шахснинг ўзига қарашли молмулкка ўз ҳохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олӣ қадрият!

қод эркинлиги; фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлор бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиши ҳуқуқи; виждон эркинлиги ва бошқалар. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларга ҳар бир шахс эга бўлади, ҳамда ўз томонидан мустақил амалга оширилади. Инсон ҳаётини қонун билан қўриклиланадиган мұқаддас қадриятидир. Шу жиҳатдан, Конституциямизнинг 18-моддасига кўра, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглиги, ҳеч кимнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар каметилиши мумкин эмаслиги кафолатланади. Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция билан биргаликда, «Фуқаролик кодекси», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

Конституция ва қонунлар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари орқали давлат ва жамият ишларида иштирокини кафолатлади. Сиёсий ҳуқуқлар Конституциямизнинг VIII бобида кўйидагилардан иборат деб белгиланган: давлат ва жамият ишларини бошқариша қатнашиш; ўз ижтимоий

ва давлат ишларини бошқарида сайлов ва референдумларда, бевосита ҳамда олий ва маҳаллий вакилларига сайладиган ўз вакиллари орқали иштирок этадилар. Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган ҳалқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандайдан қонунийлигини асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқарида бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина ҳалқаро ҳужжатларда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида, 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро Пакт»нинг 25-моддасида, шунингдек, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ва бошқа ҳалқаро ҳужжатларда таъкидланган.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари қонунчилигимизда Конституция, «Жамоат ташкилотлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа шу каби нормаларни ўз ижтимоий

эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш; ёлланиб ишлаганда дам олиш; қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганданда, бокувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш; билим олиш; илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш. Бу шуни кўрсатадики, фуқароларнинг меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш, меросхўр бўлиш, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари кафолатланшидир.

Хусусан, Конституциямизнинг 36-моддасига биноан, ўз нафбатида мустақил давлатчилик, айтиш мумкинки, унинг асосий қонуни - конституцияси фуқароларга берган энг катта имкониятларидан бири қонун йўл қўйган асосларда мулкдор бўлиш ҳуқуқидир. Мулкдорлик, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бирлигидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси мулк ҳуқуқига

этиши талаб қилиш ҳуқуқидан иборат, деб таъриф беради.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тушунчасининг шаклланиши унга бўлган эҳтиёж ва имкониятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳуқуқларини тан олиш ва ҳалқаро меъёрлар доирасида уларни ҳимоя қилишини турли воситаларини яратиш, айтиш мумкинки, асrimiz маънавиятдинг энг мухим ютуқларидан бўридир. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ички ва ташқи сиёсат, ўз нафбатида, аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, янги кўнкимга ва қадриятларни шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурмат - эҳтиром ва унинг умумиллат даражасида ривожлантирилишига олиб келмоқда.

Суръат ИСОМИДДИНОВ,
миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси.



(1875-1919)
Ўзбек жадид адабиётининг асосчиларидан бири
Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудига 140 йил тўлди.

Маърифатпарвар адаби, аллома ва жамоат арабби Маҳмудхўжа Беҳбудий жадидчилик ҳаракатининг ҳамда XX аср ўзбек адабиётининг бошловиларидан бири хисобланади. У 1875 йили Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келди. Унинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутакассис бўлиб, бу борада кўйлаб китоб ва рисолалар мулалифи эдик, бу ўз нафбатида Маҳмудхўжага таъсирини ўтказмай иложи нуқ эди. У дастлабки мактумотни эски мактаб, макрасаларда олиди.

1902 йилда Маккага бориб у ҳожи ва муфти бўлиб қайтади ҳамда 1903-1904 йилларда Қозон, Уфа шаҳарларидан бўлиб, Європа маданияти билан танишиади. Беҳбудий жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И. Гаспринский билан сўхbatлар қуради ва мактаб-маориф, маданият-маърифатпарварлик гоялари тарғиботи аке-



этуб турган бир қатор мақолалари билан рўзнома, ойномаларда чиқа бошлайди. Хуллас, 1905 йиллар арафасида Беҳбудий

жиддий шугулланади. У ўзининг сиёсий қарашларини, миллат (унинг) тили, дини, эътиқодининг каментилганлигини кўриб

«Маҳрамлар» номли ўзбек драмаси бир неча йил олдин эълон қилинган бўлсала, асар 1914 йилнинг 15 январида Самарқанд ҳаваскорлари томонидан саҳнага кўйилди. 27 февралда эса, Тошкентдаги машҳур «Колизей»да «Турон» труппаси ўз фаoliyatiни шу спектакл билан бошлади. Асар жамоатчиликка, айниқса, адабиётга кириб келётган ёшларга қаттиқ таъсир кўрсатди. «Ойина» журналининг 1914 йил 14-сонида босилган «Туркistonda биринчи миллий театр» номли тақриз ҳам шу «Падаркуш» пьесасининг саҳнага кўйилиши муносабати ва унинг инсонлар онгига, ҳалққа таъсири тўғрисидаги тақризидир.

1919 йилнинг баҳорида айгоқчилар Беҳбудийни Шахрисабзда кўлга оладилар. Сўнг у яширинча Қаршига келтирилди. Қарши беги Тогайбекнинг буйруғи билан пинхона қатл этилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий гарчи хурофотчи дин пешволари ва ғанимларнинг курбони бўлган эсада ундан ўзбек ҳалқига улкан адабий мерос қолди. Том маънода у ўз даврининг «миллат қо'shi» бўлиб хизмат қилиди.

Шодиёна АБДУГАППАРОВА, ўзбек тили ва адабиётни йўналиши талабаси.

Миллат қо'shi

«Эй миллат, мана аҳволингга бир разм сол, қандай яшамоқдасан!» деган хитобайкириқарни «Фарёди Туркiston» (1907, «Вакт»), «Икки эмас тўрт тил лозим» («Ойина», 1913), «Тил масаласи» («Ойина», 1915), «Танқид сараламоқдур!», «Театр надур?» каби мақолаларида ифодалайди. Шу билан бир қаторда у 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журнallарини чиқаришга бош-қош бўлиб, бу соҳада ҳам ўз жонбозлигини кўрсатди.

Бадий ижодда ҳам Беҳбудий ўткир муммоларни кўтарди. 1911 йили ёзилиб, 1913 йилда босилган «Падаркуш» драмаси Беҳбудийга жуда катта шуҳрат келтирилди. Бу - биринчи ўзбек пьесаси драма жанрига асос солди, деган сатрларни ҳам учратамиз адабиётларда. Ҳар ҳолда Беҳбудий карвонбоши бўлиб тарихга кирди, гарчи

Mañnaviyatimiz xazinasidan

Зардустийлик дини эрамиздан аввали VII-VI асрларда ўрта Осиё ва Кадимий Эронда юзага келган диндер. Бу дин Заратуштра (Зардуст, ёки Зороастр) номи билан боғлиқ. Тадқиқотчилар ўртасида Зардустинг тарихда бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билишса, яна бошқалар уни афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у эрамиздан аввали, тахминан, 570 йилларда туғилган илохиётчи, файласуф ва шоирдир. Зардуст ўрта Осиёдаги кўп худоликка асосланган кадимги диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ килиб янги динга асос солди.

Зардустийлик таълимоти ўрта Осиёда ибтидои даврда мавжуд бўлган табиат күуларини илохийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотидир.

У бехуда кон тўкувчи курбонниклар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини коралаб, ўтрок, осо-ишишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, дех-қончилик, чорвачилик билан шуғуланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузлика қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардустийлик динида қўриқ ер очиб, уни боғу рогга айлантирган одам илохиёт раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорларни, сугориш иншоотларини бузгандар катта гуноҳга қолади. Зардуст ўз таълимоти билан инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. У ўз таълимотини инсонларнинг будунёдаги ҳаётига яраша нариги будунёдаги тақдирни ҳал бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг будунёдаги қиммишига яраша абадий роҳат - жаннатта, ёки ёмон ишлари кўп бўлса на хурсандлик ва на хафалик кўрмайдиган аросат жой - миссонгату тушади, деган foяга асослантирган.

Зардустийлик таълимотининг асоси олам қарама-қаршиликлари кураши асосига курилган. Яхшилик ва ёмонлик, ёрғулук ва қоронгулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшиликларни Ахурамазда ва барча ёмонликларни Ахримайни ёки Ахриман ифодалайди.

Ахурамазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб, уларга амал қилишни, ёмон ишларни баён этиб, улардан сакланишини буоради.

Зардустийлика имон учта нарсага асосланади: фикрлар соғлиги, сўзининг событилиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир Зардустий кунинг беш марта ювиниб, покланиб, куёшга қараб уни олқишлиб сифиниши шарт бўлган.

Зардустийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур - сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардустийлик дағн маросими ўзига хос бўлиб, ўлганлар бир неча паст, баланд «сукут миноралари» - даҳмаларга солинади, у ерда мурдаларнинг гўштларини кушлар еб, сувякларини тозалайди. Гўштдан тозалangan сувяклар минора ўртасидаги кудуқка сочиб юборилади. Бунда «ҳалол» билан «ҳаром»нинг бир-бира гяқинлашмаслигига эришилади. Зардуст фалсафасининг асосий жиҳатларидан яна бири ҳаққиатпарастлик ва ироғонжўйликдир. Шунинг учун гоялар бошдан охиригача дониш ва маърифат зиёси билан йўғрилган. Унингча инсон ҳар жиҳатдан билимли бўлмоқлиги, жаҳонни дурустлик билан танимоги, идрок қиммоғи даркор. У яхшини ёмондан, гўзалликни хунуқдан, покни нопокдан, донони нодондан ажратади. Инсонни ҳирадманд, тилли-забонли килиб яратган Тангрига олқишлилар бўлсин. У инсонни ёмонликка қарши курашсин, уни нест-нобуд этсин, деб барча мавжудотга раҳбар ва сарвар этди. Шуниси характерлики, янги дин пешвоси кишиларни ҳамиша ростлик ва дурустлик йўлини тутишга ундар экан, инсон ҳаётни ва юрт равнақини таназзулга элтадиган ва қинғир иш тарафдорларига қарши

дадил курашга чакиради.

Зардустийлик динининг муқаддас китоби бўлган «Авесто»да жуда кўплаб кўшиқ, ҳикоят ва ривоятлар мавжуд. Бу кўшиқ ва ривоятларда асосан зардустийликнинг рамзига айланган кўёш муқаддас куч сифатида таърифланади. Кадимдан ўрта Осиё ёликлар кўёшни севган. Одамлар қарратон қишининг аёзлари, қаҳр билан кириб келган совуқ қиши фаслидан кўра кут-баракага тўла кўёшли кунларни илтиҳо қилиб кутганлар. Яхшилик маъбути Ахурамазда кўёш олиб келса, Ахриман совуқ кунларни келтирган. Шунданд килиб яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш «Авесто»даги кўшиқларнинг ҳикоят ва ривоятларнинг асосини ташкил килади.

Зардустийлар яхшиликни Ахурамазда ёқлаб чиқадилар. Бироқ ҳаётда ёмонлик рамзи Ахриман ҳам яшаб қолаверади. Зардустийлик динининг ҳам инсон қисмати билан боғлиқ тубан, ярамас томонлари бўлган. Масалан, инсонлар кексайиб,

умуминсоний маънавият эканлиги таъкидланади. Зардуст Ахурамаздан, серфарзанд хонадонга нима берасан? - деб сўраганда у «Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мўл қиласман» деб жавоб берган экан. Шарқ фалсафаси инсонни амалиёт, одамлар ҳаёт фоалияти, уларнинг турмуштарзи нуқтаи назаридан ўрганади. Шу сабаби унда инсоннинг ўзлиги, унинг шакллари ва ҳолатлари, одабахлол, ҳукмдорларга, турли ёшдаги одамларга, шунингдек жамиятдаги ижтимоий ҳолати турлича бўлган кишиларга амалий насиҳатлар билан боғлиқ бўлган айрим муммалор кўп. Масалан, «Авесто»да келтирилган «Забардаст ва қудратли бўлиш учун ҳамиша ҳақиқат ва ростгўйликка мувоғик амал қилсанг, забардаст ва қудратли бўласан», «Ҳақ сўздан ўзга хеч нарса билан шуғулланма», «Дунёни тараққиёт ва камолот сари ҳаракатга соладиган кишилар бўлмоғи лозим», «Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши», «Ўз нағсини енгигиб, жиловлаб олмаган киши, хеч нарса устидан голиб чиқа олмайди» каби фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини ўйкотгани йўқ.

Зардуст таълимотининг улуғлиги шундаки, у ҳар бир кишига танлаш имконини беради. Ҳар ким ҳам ёвузликни йўқ этиш ва эзгуликнинг ҳукмрон бўлишида иштирок этиши мумкин, бу ишда барча бир ҳилда тенгdir. Шу тариқа ерда илгари бўлмаган жаннат-олтин аср тикланади. Унда совуқ ҳам,

“Авесто”дан

ишга яроқсиз бўлиб қолгандан сўнг уларни энг оғир жазога махкам этгандар. Бази бир ўл-каларда кек-сайганд одамларни кўй каби сўйган-

“Шоҳнома”дан

жазирама ҳам, қарилек ҳам, ўлим ҳам бўлмайди. Евузлик билан курашда ҳар бир кишининг асосий қуроли меҳнат бўлган. Зардустийлик ахлоқи кишидан камттарин ва ҳалол меҳнаткаш дехқоннинг барча мажбуриятларини бажариши талаб қилган (Ким фалла экса, у ҳақиқат тарқатади. Видевдат китобининг «Дехқончилик фазилиати ҳақида» бобидан). Фикр, сўз ва ишда тақводорлик, ишчанлик, ҳалоллик, холислик юксак ахлоқнинг асосий талабалари сифатида кўтарилади. «Ясна» китобида зардустийликнинг эътиқод рамзи ҳақида дейилади: «Қасам эзгу фикрни, эзгу сўзини, эзгу фоалият мажбуриятларини бажариши талаб қилади».

Зардустийликда биринчи бўлиб эсхатологик таълимот яратилган, бунга мувоғик жаҳон тарихи 12 минг йилни ташкил қилади. Бу муддат тугаши билан эзгулик ва ёвузлик кучларининг ҳал қилувчи ёвузлик жангни бошланади. Бутун оламини эриган метал оқими йўқ қилади, бироқ ҳалоскор Саошьянт ҳалок бўлган дунёни ва барча мархумларни тирилтиради, барча гуноҳкорларни дўзахдан чиқариб Ахурамаздинг идеал ҳукмронлигига абадий ҳаёт кечиради. Шу тариқа зардустийликда биринчи бўлиб охиратдаги жазо, марҳумларнинг тирилиши, сўроқ куни гояси шаклланади. Бу гоялар Доро I нинг Бехустун ёзувида ва Ксеркснинг Персеполдаги ёзувида ҳам қайд қилинади. Зардустийлик Марказий ва Одисея худудларида минг йиллар давомиди ҳукмрон дин бўлиб келди ва шубҳасиз, бу дин христианлик ва ислом каби жаҳон динларининг шаклланishiда катта ўрин тутди. Илмий-тарихий, амалий-дидактика қимматга эга бўлган, ушбу йилда 2700 йиллиги нишонладиган буюк меросимиз «Авесто»нинг бутун маънои моҳияти инсон тақдиди, унинг истиқболига қаратилган. Жумладан, Тангрига илтиҳо ва мурожаатларда шундай дейилади: «Ахурамазда яратган яхшилик гоясига, соғлом, ақлҳуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тилларни билидиган ўғил-қизларга, узокни кўра биладиган, юртни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонлар, яхши келажак, порлок ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган поктийнат авлодларга олқишилар бўлсин».

«Авесто»даги бу каби гоялар инсонларнинг ўртасидаги эзгулик ҳар доим гоҳи бўлишини, ёвузлик эса ўзига душман бўлишини ўтирган. Зеро, ҳар бир инсон ҳамиша яхшиликка интилса, ютуқ мэрраларига осонроқ эришади. Хулоса ўрнида эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ҳар доим ҳамроҳингиз бўлсин, деймиз азизлар!

Шахноза ЭРНАЗАРОВА,
педагогика-психология
йўналиши талабаси.

■ Талаба минбари

Ҳар куни жонажон институтимиз то-
мона шошиламиз, вактимизнинг акса-
рият қисми деярли институт ҳолисида,
кутубхонада ёки дарсларда ўтади. Кун-
ларимиз мазмунли. Лекин ҳар доим ҳам
ҳамма учун шундайми? Бу саволга жа-
воб топиш мушкулек бироз.

(Фельетон ўрнида)

МАЪРУЗА - УЙҚУМИ?

Мана бунинг ислоби:
талабаларнинг интернетдаги профилини оламизми, телефонлардаги смсларни оламизми ҳаммасида биз учун сийқаси чиқсан аммо кимлар учундир «қизиқарли» бўлган бузилган мақоллар ёки «қобилиятли» талабаларимизнинг машҳур афоризмлари. Эшитиб ёқа ушлайсиз. Қофијаларнинг келишганини қаранг-га!

- Талаба - бир сўми йўқ миллионер.

- Талабалик гувоҳномаси - номи улуг супраси қуруқ.

- Сессия - ярим йиллик уйқудан уйгониш.

- Стипендия - ҳаёт мазмуни.

- Маъруза - кеча чала қолган уйқунинг давоми.

- Дарслар - ёзмашунослик асослари.

- Парта - янгиликлар доскаси...

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин, аммо менинг мақолам ҳам ёзмашунослик асослари бўлиб қолишини истамадим. Кўриб турбисизки, бу каби таърифларнинг ниҳояси йўқ. Муаллифларнинг қобилиятига қойил қолмай иложимиз йўқ. Уларнинг ижодига самара тилаймизку, аммо уларни бунчалик изхомлантирган важ нима эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Хўш, бунинг энг оддий сабаби нима? Шу савол билан гурхулар ўртасида баҳслар ташкил этдик. Масаланинг ҷечи жуда оддий ва аниқ экан. Уларнинг 80%дан кўнглигидан молиганлигининг гувоҳи бўлдик. Зериклиларнинг жуда зерикали эканлигидан ва ўқитувчиларнинг талабаларни дарсга қизиқтира олмаслигидан нолиганлигининг гувоҳи бўлдик. Зериклиларнинг маърузалирида ўзи ёзиши ёки қофияли «ҳикмат»лар ёзиши билан банд бўлишаркан. Балки, қайсиидур маънода хато фикрлар ётгандирмиз. Ўқитувчилар-чи? Бу ҳақида улар ҳаётни фикрла? Бази ўқитувчиларимизнинг маърузалирида қўнгироқ ҳалинишини хоҳламай ўтирамиз. Шу қадар берилшиб кетгандан 80 дақиқанинг ўтиб кетганлигини билмаймиз. Бази ўқитувчиларнинг маърузалида эса аксинча, соат миллари тўхтаб қолади гўё. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиши жонз деб билдили, Олий математика асослари фанидан маъруза ўқитувчиси Фозил Сулеймонов, Умумий педагогика назарияси ва амалиёти фанидан маъруза олиб борувчи Сайёра Муҳаммадиева, Маънавият асослари ва диншунослик фанидан маърузачи Сайёра Жасанова, Фалсафа фанидан маърузачи Бобомуруд Тошбоев, Информатика асослари фанидан маърузачи Жаҳонгир Мажидов, Табиий фанлар концепцияси фанидан маърузачи Рахматулла Бекмирзаев сингари узоз ўқитувчиларга ишбандан бўзда ута кучли ҳурмат бор, қолаверса мусиқий фанлардан таълим берувчи Абдуманон Маҳмадов, Нозубови Бойчаева, Навбаҳор Хайдарова, Муслим Абилов, Ўткир Тогилов каби ўқитувчиларимизга тасанно айтмай иложимиз йўқ.

Талабани дарсга жалб этиш катта тажриба маҳорат талаб этади. Бу каби хусусиятлар таъкидлаб ўтилган устозларимизда шу қадар кучлики, уларга таъзим айламай бошқа иложимиз йўқ. Улар дарсга қизиқмайдиган талабани ҳам жалб эта оладилар. Биз бу фикрлар билан кимницир кўкларга кўтариб кимнингдир нағсониятига тегиш мақсадидан йироқмиз. Бироқ, баязи ўқитувчилардан ҳамма талабалар ҳам қониқмаяти. Биз улар ҳақида фикр билдиришга ёшлиқ қилармиз балки, лекин ўз устиди ишлашларини, бизни маърузаларга жалб этишларини хоҳлардик. Балки, ўшанда маърузаларга кечачала қолган уйқунинг давоми бўлмасдан қизиқарлироқ бўлармиди, нима дедингиз?

Булбулноз ҚОБИЛОВА,
мусиқий таълим
йўналиши талабаси.

Назм гуашаны

Ушбу сонимизнинг назм рукида узоқ
йиллар таълим тизимида баракали
мехнат қилган устоз мураббийлардан
бири, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси
Холмўмин Шукуроннинг рубоий-
ларидан намуналар эълон қилинмоқда.
Бу рубоийларда ўзбек халқига хос
ватанпарварлик, дўстлик, меҳр ва вафо,
мехнатсеварлик каби фазилатлар
улугланади.

Ота-она учун энг олий жазо,
Ноқобил фарзанддир, тақдир-тақозо.
Фарзанд қобил бўлиб камолга етса,
Ота-она бўлар элга андоза.

Ватан тупроғини қилганда тавоғ,
Онамнинг кўксига қилгайман сажда.
Моргузар тогидай юксалиб кўксим,
Ўзимни кўраман илоҳий Арида.

Ҳар битта оша Ватан тиргаги,
Ҳар бирин чиндан ҳам унинг кераги.
Оилада тинчлик, тотублик бўлса,
Оила Ватанинг урган юраги.

Одамзод меҳнатдан кўтариб кўксин,
Ҳаётда инсонлик ургун эксин.
Борлиқда абадий яшамас ҳеч ким,
Яхши от қолдириб, оламдан ўтсин.

Халқ мусиқа санъати ўзининг гоявий-бадиий
мазмуни билан ёш авлодни халқимизнинг
ўтмиши ва бутунги ҳаёти-мизни теран англаш,
миллий қадриятларимизни қадрлаш ва хурмат
қилишга ўргатишда муҳим омиллар.

РУБОИЙЛАР

Чирой ҳам керакдир аёл кишига,
Лек чирой туз солмас унинг ошига.
Пазанде бўлса гар уйнини бекаси,
Мақтобдан тож қўнап азиз бошига.

Билимли ўтигитнинг қўллари узун,
Тадбиркор кишининг нонидир бутун.
Билимсиз инсонлар билмас иш кўзин,
Тадбиркор бўлмасак умр бемазмун.

Ватанини ажали, дононлар севган,
Нодон ўз халқини талаган, еган.
Элга садоқатсиз, нонкўр кимсалар,
Ўзлигини сотиб сақлар жону тан.

Тирик баёт ризқ берган бу она тупроқ,
Танангла жой берар юзинг бўлса оқ.
Ҳаётда сен ерга меҳр бермадинг,
Билки, энди ундан жасад ҳам ўтироқ.

Бу ҳаёт бир бозор, ўйнаб-куласан,
Бозорда ўзингнинг нархинг биласан.
Баҳоинг бўлмасан ёргу дунёда,
Бекорга яшаб сен нима қиласан?

Элликтан оша ҳам болангнинг ёши,
Катта давраларнинг бўлса ҳам боши,
Отага муҳаббат бўлмаса унда,
Ёрқин кўринмайди кўкнинг қўёши.

Ҳаёт қоронғу хилқат, кексалар шамдир,
Ўйгур халқ мақоли

Отанинг дардини бола билмайди,
Билса ҳам баъзида назар қилмайди.
Қачонки ўзлари ота бўлгандা,
Билиб, аттанин қилар, ота бўлмайди.

Эй, дўст, кексайганда озори бўлма,
Ҳалим бўл, сўлим бўл, бемаврид сўлма.
Вақтинг етиб қолса сен ҳам ўтарсан,
Экиб кет, қуриб қўй, армонда ўлма.

Тақдирга тан бериб яшагин, деймиз,
Шундай деб инсонлар гамини еймиз.
Фарзанд тарбиясин ўзимиз бузиб,
Сўнгра қийналамиз, тузатай деймиз.

Эй тил, дема ўзни сайроқи булбул,
Буюклик ўйқолар, сайроғинг бир пул.
Пурмаҳно жумлалар гардини артиб,
Сайроқи бўлган тих атаклар булбул.

Жумлалар келмоқда турнадай қатор,
Илҳом парилари, марқ этманг зинҳор.
Қаламим учиди сизнинг жойиниз,
Ёнишга улгирай ўзимга шиор.

Холмўмин ШУКУРОВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчisi.

рида бошланғич синф мусиқа
дарсларида болалар фольклор
қўшиқларини ўргатиш юза-
сидан ўз фикр мулоҳазала-
римизни билдиришни лозим
топдик.
Болалар фольклор қўшиқларини
ўзига хос ҳаёт фаолияти

калари билан бирга чақонлик,
сабр-тоқат, чидамлилик, топ-
қирлил ва мақсадга интилиш
хислатлари шаклланади. Қў-
шиқларнинг гоявий-бадиий
мазмуни эса ўшларда эстетик
маданиятнинг таркиб топиши-
га хизмат қиласи.

2. «Оқ теракми-кўк терак?».
Болалар тенг икки гуруҳга бў-
линиб, маълум масофада кўл
ушлаб турдилар. Ўйин шарти-
га кўра бир томонга «Оқ терак-
ми-кўк терак», биздан сизга ким
керак?» деб кўйлашади. Қарши
томондагилар эса бошловчи
гуруҳдан бир боланинг исмини
айтишади. Исми тилга олинган
бola югуриб, қарши гуруҳдаги
болалар занжирини ёриб
ўтишга ҳаракат қиласи. Ёриб
ўтса, ғолиб сифатида бир бо-
лани ўз гуруҳига етаклаб ке-
лади. Ўйин шу тариқа бир гуруҳ
ютгунча (бир гуруҳда бир бола
қолгунча) давом этади.

Афуски, мана шу қўлланма-
ни ҳам умумтаълим мактабла-
рида учратмадик. Фольклор қў-
шиқлари ҳамма жойда маҳал-
лий аҳоли умуммаданиятининг
ўзига хос қўзгуси сифатида ав-
лодлардан-авлодларга ўтиб
келган. Улар ҳақида маҳсус
тўпламлар, услубий кулланма-
лар чиқариш ва умумтаълим
мактабларида ўқувчи-ёшлар
тарбиясида фойдаланиш ҳар
бир мусиқа ўқитувчининг
кундалик вазифасига айланмоғи
бутунгич куннинг талабидир.

Элноза АБДУКАРИМОВА,
мусиқа таълими
назарияси ва услубияти
кафедраси ўқитувчisi.

БОЛАЛАРГА БОЛАЛАРБОЛ ҚЎШИҚЛАР

Бошланғич синфларда фольклор намуналаридан фойдаланиш

Вилоятимиздаги умум-
таълим мактаблари «Мусиқа
маданияти» дарсларини куза-
тишлар, соҳа мутахассислари,
педагог-мураббийлар билан
суҳбатлар натижалари шуни
кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда
улкан тарбиявий аҳамиятга
молик, ўзида халқ педагогика-
си энг илгор гояларини муз-
жассам этган фольклор қўшиқ-
лари билан дарс ва дарслан
ташқари фаолиятда ўқувчилар-
ни атрофлича танишириб бо-
риш ишларини давлат таълим
стандартлари талаблари дара-
жасида деб бўлмайди. Бу ўринда
жиддий ва ўз ечимини кутаёт-
ган муаммолар талайгина бў-
либ, улардан энг асосийлари
бизнингча қуйидагилардан
изборат:

1. Умумтаълим мактабларида
фаолият олиб бораётган акса-
рият мусиқа ўқитувчилари халқ
мусиқа ижодидан яхши ха-
бардор эмас, халқ мусиқаси-
нинг асл тарбиявий мазмуни ва
моҳияни ҳақида чуқур билим ва
малакага эга эмаслиги;

2. Халқ мусиқа ижодиёти на-
муналари, хусусан, болалар
фольклор қўшиқлари бўйича
зарур манбалар етишмаслиги
ёки умумтаълим мактабларида
умумий ўқӯдиги;

3. Мусиқа дарсларида ҳамда
дарслан ташқари фаолиятида
ўзбек халқ болалар фольклор
қўшиқларидан ўқувчи-ёшлар-
ни бадиий-эстетик тарбиясида
фойдаланиш бўйича услубий
қўлланмалар тақчилигидир.

Шунинг учун ҳам ушбу ма-
қолада умумтаълим мактабла-

давомида инсон ўшлиқ даври-
нинг муайян босқичларига мос-
равишида кичик ўшдаги бола-
кайлар олами билан катталар
дунёқарашининг ўйгунашуви
остида шаклланади келган. Улар
орасида айниқса болалар ўйин-
қўшиқларни алоҳида ажralib
туради. Ўзбек халқ мусиқа ме-
росида бундай қўшиқлар жуда
кўп. «Бойчечак», «Рамазон»,
«Зув-зув борагай», «Чорий-чан-
бар», «Читти-гул», «Оқ тера-
ким-кўк терак?», «Чиллак»,
«Ким оладия-шүгуннинг?»,
«Ланка», «Қўён», «Чучвара қай-
найди» каби қўшиқлар ижро ху-
сусиятига кўра кўйлаш билан
бирор-бир жисмоний ҳа-
ракатни бажариш орқали ижро
этildidi. Бундай қўшиқларни
ижро этиш давомида ўқувчи-
ёшларда қўшиқ кўйлаш мала-

шу ўринда И. Кудратов, Н.
Толлибоевлар томонидан чи-
қарилган «Бошланғич синф мусиқа
дарсларида болалар фольклор
қўшиқларини ўргатиш»
номли услубий қўлланмадаги
(Тошкент, «Фан» нашриёти,
2007) фольклор қўшиқларидан
иккитасини ўргатиш ҳолатини
келириб ўтамиш:

1. «Чорий-чанбар». Бу бола-
лар фольклор қўшиқини ижро
етиш ҳолати қўйидагича:

- болалар давра қуриб оёқ-
ларини олдинга чўзиб ўтирадилар.
Бошловчи қўшиқни кўй-
лай туриб бармоғи учини бола-
лар оёқларига теккизиб санайди.
Саноқнинг охири кимда
тўхтаса, шу бола бошловчи-
нинг у ёки бу шартини бажа-
ради (рақсга тушади, бир оёқда
туради ва ҳоказо).